

Makam Hasat

Enzari

Mabrum

یا غفر

مکرم

Мабрам Раса  
Энгу  
Мабсуму


„Забаргуст“ Ханжоніну  
Самарканд, 1992

# Муаллифнинг илк китоби

Акам ва устозим  
**ИЛҲОМ ҲАСАНОВ**нинг  
ёрқин хотирасига  
бағишлайман.

**МУАЛЛИФ**

Орзиқишдан толиққан одам—  
Изланаман тимирскиланиб.  
Ўз-ўзимга урилиб ҳар дам,  
Бораяпман ўзимни таниб.



Чиндан ҳам Шавкат Ҳасан адабиёт майдо-  
нида ўз йўлини тинимсиз излаётган заҳмат-  
каш ёш ижодкорлардан. Унинг замин ва  
замон ҳақида фалсафий фикр юритувчи  
шеърларидан тартибланган ушбу шеърый  
мажмуаси сизларга манзур бўлади, деган  
умиддамиз.

Айтилган сўз—

Оттилган ўқдир.

Яхши топиб, айтибдурлар хўп.

Имконимда сўзлар бор ҳали,

Имконимда ҳали ўқлар кўп.



Кўм-кўк ранглар билан тўлганди қароқ,  
Дардларим гуллаган ям-яшил мартда.  
Кўйлагинг оқ эди, оқ эди, оппоқ,  
Мен сени кўрганман фақат бир марта.

Лабларинг пичирлаб ўқирди афсун,  
Тахайюл—чашмингга тутилган парда.  
Сочинг узун эди, бўйларинг узун,  
Мен сени кўрганман фақат бир марта.

У кун юксакларда кўк мовий эди,  
Қаршимдан гул тутиб чиққан шаҳарда.  
У кун дил ишқпараст бир ровий эди,  
Мен сени кўрганман фақат бир марта.

Ёқавайрон бўлгай ҳар қандай удум,  
Қайта учратсайдим сени агарда—  
Қаршингда тўкилиб йиғлардим юм-юм,  
Мен сени кўрганман фақат бир марта.

Қай маҳал, ёдда йўқ: шоммиди, наҳор.  
Мен сени кўрганман фақат бир марта.  
Умидларим сўлиб, сарғайган баҳор,  
Дардларим гуллаган ям-яшил мартда.

\* \* \*

Эртага ҳам бу дард аримас,  
Мен барибир сиқилажакман.  
Етмаса-да олмоққа нафас,  
Шу хонада тиқилажакман.

Эртага ҳам хазонлар менинг,  
Санчилади нигоҳларимга.  
Қайта-қайта қулатаверар,  
Ўрларимдан ўз чоҳларимга.

Биламанки, бўлмас такаллуф,  
Юрагимга ботган сезимда.  
Биламанки, шоирона лутф,  
Бўлмас менинг айтар сўзимда.

Тонгми, шомми номаълум бир сас,  
Чўкаверар дилнинг қаърига.  
Эртага ҳам чора топилмас,  
Юрагимнинг зарбаларига.

Бу замин тош, бу осмон баланд,  
Абгор бўлдим миллион даъфа.  
Топганим, сен нимага хурсанд,  
Иўқотганим, сен нега хафа?..

\* \* \*

## К Е Т Д И М

Кетдим, оёғимга замин илашди,  
Хурбадан руҳ билан само тиллашди.  
Барқут шамолларга дилни белашди,  
Ҳар не садо келса, ўзимдан келур.

Ўздан қочиб ўзни гулга суйдирдим,  
Ғариб ёдинг билан дилни тўйдирдим,  
Қалбим—шеърларимни йиртдим, куйдирдим,  
Ҳар не имло келса, ўзимдан келур.

Кетдим, кўксим осмон, фазоларга тенг,  
Қадамларим қутлуғ, шимарилган енг,  
Ўҳ-ҳў Шавкат, деманг, ҳай-ҳай ошиқ денг,  
Ҳар не савдо келса, ўзимдан келур.

Кўҳи Қоф нима у? Кўтараман даст,  
Девона руҳимми? у танга пайваст,  
Кетиб бораяпман сархуш, телба, маст,  
Ҳар не бало келса, ўзимдан келур.

Мунодийлар этдим азонлар билан,  
Кўзимга мил тортдим мезонлар билан,  
Лов-лов гулхан ёқдим хазонлар билан,  
Ҳар не хато келса, ўзимдан келур.

Кетдим....

\* \* \*

Хей, талваса, бу қандай жазо?  
Хей, талофот, бу не қиёмат?  
Нигоҳларда тунд, ожиз сазо,  
Кимдан энди сўрайман шафқат?

Айланаркан бесубут фалак,  
Бошимда чарх ураркан оҳим.—  
Музлаб, бўзлаб, излаб жонҳалак,  
Мен худодан тилайми раҳм?

Туманларда чирқирар руҳлар,  
Чак-чак томар дийдалардан қон.  
Тўлғонётган ҳақир андуҳлар,  
Дайр учун тўлайди ўлпон.

Фарёд чекар самода қушлар,  
Баргларини юлади дарахт.  
Ёдга тушиб энг нохуш тушлар,  
Ўйларимни эзади бадбахт.

Хайр, девдим, мен хайр, девдим,  
Дил қатидан сизади видо.  
Нега сени бунчалар севдим,  
Нечун мени севмадинг, Худо?..

Ота, яна дардим улғайди,  
Юрагимда бўзлаб тинди най.  
Қоя чўкса, бундай чўкмайди,  
Тоғлар чўкса, чўкмайди бундай.

Бу оғриққа дарё чидамас,  
Соҳилидан кетса ҳам йироқ.  
Нигоҳимга ботади ҳар хас,  
Чўктиради дилни ҳар япроқ.

Ўз-ўзини ямлайди ҳафта,  
Йил сочилар бамисли тариқ.  
Чирқирайди қушлар безовта,  
Дод солади ҳар битта ажриқ.

Осмон ғилт-ғилт кўз ёш тўкади,  
Булут келаверар пайдар-пай.  
Тоғлар чўкса, шундай чўкади,  
Ота, қоя чўкади шундай.



Авайлайман туморларимни,  
Тугаб борар азалий кам-кўст.  
Асраб юрган асрорларимни  
Фақат сенга айтаман, эй дўст.

Ишқли, бемор бандаларини,  
Ёрлақайди парвардигорим.  
Дилнинг дилбар ваъдаларини  
Сенга айтгум, чашми нигорим.

Ўзгартириб ҳаёт тарзимни,  
Мен қаршингда бахтга тўлурман.  
Дунё етказмади арзимни,  
Энди ўзим дунё бўлурман.

Ишон, минг бир тўлғоқ жонимда,  
Хаёлинг-ла ҳар кеч толаман.  
Бир содиқ дўст бўлиб ёнингда,  
Қиёматга қадар қоламан.

Ёгду тўла кўнгилда тилсим,  
Яшаяпман муҳаббатинг-ла.  
Бугун менинг юрагим лим-лим,  
Мен сўзлайин, Худойим, тингла.

\*     \*     \*

Кузак кечалари шитирлар хазон,  
Салқин шамоллари юзни ялайди.  
Ёзувлар, чизувлар остидан омон  
Таҳрир бўлиб чиққан дилни талайди.

Атроф кишанлари ҳорғин шарақлар,  
Тўсиб қўяр руҳнинг парвоз йўлини.  
Вужудим сесканиб ортга чекинар,  
Сезиб шўр тақдирнинг совуқ қўлини.

Букилиб кетади бемадор тизлар,  
Ёвуқ шарпа юзга келар урилиб,  
Йўқлик сари тигиз йўл солган ҳислар,  
Бир зум термулади шундоқ бурилиб.

Сезаман, димоғим ютоқиб ютар  
Дилнинг бурқсиётган тутунларини.  
Биламан, шамоллар супуриб кетар,  
Сўнгсиз ёнишларим кукунларини.

Барчасин унутгум, билмадим қачон...  
Кечган йилларимда ўйларим талош.  
Қаерларга келдик сарсон, саргардон,  
Қаерга борурмиз йигирма беш ёш?!

\*     \*     \*

Иўқлик мени қайта олади,  
Кўнгил уфқи тортади хира.  
Шамолларда ёдим қолади,  
Тўфонларда қолар хотира.

Кўзим қолар. Кўзларимдай тим,  
Чорлар бир кун безовта руҳлар.  
Тухфа бўлиб қолар соғинчим,  
Мерос қолар мендан андуҳлар..

Шомларимдан қолари—фиғон,  
Тонгларимнинг ўчар сиёғи.  
Тошлоқларда бўзлар бедармон,  
Изларимнинг фаромуш доғи.

Издаҳомлар этади давом,  
Ғала-говур бозорларида.  
Чирқиллайди қушлар нотавак  
Бухороининг мозорларида...

★ ★ ★

Сенмидинг ўзидан кечиб кетган жон,  
Менмидим йўлингда кўзи нигорон.

Сенми у қароғда ўстирилган гул,  
Менми у қақшаган озурда кўнгил.

Ғамгин оятларни тўқиган сенму,  
Ҳазин муножотлар ўқиган менму.

Менму у фироқда ўртанган ўксиз,  
Сенму у юракка ботиб кетган из.

Сенму у нафаси бетакрор рўё,  
Менму у ҳар босган қадами хато.

Чехрангмиди сенинг таратган зиё,  
Зулфингмиди сенинг тақдирдек сиёҳ.

Дудоғингми эди жаллоду жонбахш,  
Кўзларингми эди сожид сураткаш.

Сенму осмонимда йиғлаган абр,  
Менму заминингда тиклаган қабр.

Сенмидинг ўзидан кечиб кетган жон,  
Менмидим йўлингда кўзи нигорон.

## ТАРАДДУД

Киприкларинг саф тортиб ажаб,  
Бу жонимга солдилар қирон.  
Мисқол-мисқол ҳаётим тежаб,  
Мен барибир соғ қолдим, омон.

Эътирозга имконлар қўйма,  
Кўраяпман ҳозир ҳозирлик.  
Кечикканим рост, айбга йўйма,  
Кечикканим менинг узрлик.

Орзиқишдан толиққан одам—  
Изланаман тимирскиланиб.  
Ўз-ўзимга урилиб ҳар дам,  
Бораяпман ўзимни таниб.

Эҳтимол, бу чорбоғларда мен  
Этаяпман сўнгги бор сайр.  
Балки тонгда ночор, нотавон,  
«Хайр, дейман, боғларим, хайр!»

Намхуш гуллар таъми аралаш,  
Мовийликдан ютганча ҳаво  
Бағрим тилка бўлиб, қонталаш,  
Қушларга-да айтарман видо.

Балки яна бир аср кечар,  
Кўраяпман ҳали тараддуд.  
Кечикдим, рост. Бор бўлсанг агар,  
Айбга йўйма,  
Фақат,  
Фақат,  
Кут...

\*   \*   \*

Мен ғариб дилимни ишққа алмашдим,  
Сочингдан таралган мушкка алмашдим,  
Бу нодонларга мен этагим силкиб,  
Ўлтирганинг ўшал кўшкка алмашдим.

Номинг тилга олсам, забонимда ўт,  
Ловуллаб ёнгайдир ҳар ёнимда ўт,  
Хас бўлдим сарғайиб, қовжираб қолдим,  
Жисмимда, жонимда, жаҳонимда ўт.

Қуёшим, тегрангда парвонанг бўлай,  
Ўтмишу келажак, замонанг бўлай.  
Бир оқил ўрнида кўрмасанг ҳамки,  
Телбами, даллими, девонанг бўлай.

Йиллар нўш айлади кўзда ёшимни,  
Дарду балоларга солиб бошимни.  
Жонимни йўлингда садқа айладим,  
Энди мен нетаман хароб лошимни.

Мен ғариб дилимни ишққа алмашдим,  
Сочингдан таралган мушкка алмашдим...

## Я Р А Л И Ш

Нигоҳимни тортмоқда гуллар,  
Лабларимдан сизиб чиқар куй.  
Дунё дардин дардмандлар билар,  
Қани дўстим, шаробингдан қуй.

Ичларимда исён қилмоқда  
Бош кўтариб эзгу саодат.  
Ботиндаги сокинлик энди  
Қилмай қўйди менга итоат.

Томиримда кўпирмоқда қон,  
Хужайралар ёнмоқда лов-лов.  
Вужудимга аланга ўрлар,  
Кўзларимда чақнайди олов.

Ёшлик буткул синдириб бўлди  
Ғариб кунлар қовурғасини.  
Яна қайта тинглагим келар,  
Жўшқинликнинг ажиб сасини.

Мен ҳаётга боқаман такрор  
Қалб мулкининг дарвозасидан.  
Йўллар, йиллар уйғониб кетар  
Қадамимнинг овозасидан.

Ортда қолди сокинлик, ором,  
Ортда қолди у беғам дамлар.  
Мен ҳаётга ташнаман, очман,  
Ҳаёт беринг менга одамлар!..

## СЕН ҲАЛИ...

Сен ҳали қизларнинг шоҳи бўласан,  
Сонсиз юлдузларнинг ягона моҳи.  
Сен ҳали қалбимнинг оҳи бўласан,  
Не куюк дилларнинг ўчмас фарёди.

Хуркак табассумлар кўчади ҳали,  
Ғунча лабларингга, гулдек чехрангга.  
Юзларимни тилиб, сочимни юлиб,  
Зикрга тушаман ҳали тегрангда.

Руҳимда уйғониб туйқусдан бир тонг,  
Сибизга чалади ҳали таажжуб.  
Кўнглим оч чумчуқдай чирқираб нолон,  
Шохлардан-шоҳларга юради кўчиб.

Ҳайрат телбаланиб дўмбира чалар,  
Гупурлаб, дупурлаб ўйнайди юрак.  
Мен эса, ҳапқириб ўлмаслик учун,  
Қайгадир бош олиб кетмоғим керак.

Омад ҳали сени қайдадир кутар,  
Ҳали фалаклардан келгайдир ёрлиқ.  
Чангларга беланиб, ҳали эланар,  
Ўзаллик пойида тўкилган борлиқ.

Юлдуздай порлагай чашми тимларинг,  
Изларингдан ҳали унгуси чечак.  
Шеър бўлади, гулим, табассумларинг,  
Кулгуларинг буюк дoston бўлажак.

Мен ғамга тўлгандек бахтга тўларсан,  
Ҳали манглайингни силагай тақдир.  
Сен ҳали, фариштам, якто бўларсан,  
Мен эса бўламан номсиз бир шоир.



Ишқни оғу этдим, шароб айладим,  
Нўш этиб, руҳимни беҳоб айладим,  
Дилни ободми ё хароб айладим,  
Тунлар ва сочингнинг қаролиғида.

Чашминг хирожида қурбонларим кўп,  
Менинг тилга кўчмас армонларим кўп,  
Бедаво дардимга дармонларим кўп,  
Хатарнок қошларинг қайролиғида.

Куйингда бир гадо бўлибман, эй гул,  
Ўйингда бир адо бўлибман, эй, гул,  
Бўзлаган бир сато бўлибман, эй, гул,  
Шаби ҳажринг мотамсаролиғида.

Рўзи ибтидодан емирилдим ман,  
Фироқинг ўтида қовурилдим ман,  
Кул каби фалакка совурилдим ман.  
Самарқанд, Бухоро аролиғида.

## К Е Т И Ш

Давраларда маст-аласт, сархуш,  
Майлар қуйиб шакаргуфторлик  
Қилаётган бу қадим шаҳар,  
Ўйларимга қилмоқда торлик.

Тонг отсин, мен чиқиб кетаман,  
Ялангоёқ саҳроларимга.  
Қуйламоққа ўзга оҳанглар,  
Бахш этаман наволаримга.

«Қулт» этганча ютаман бесўз,  
Томоғимга қадалган ёшни.  
Қишлоғимга олиб кетаман  
Емирилиб бўлган бардошни.

Тарк этганча ғариб кулбани,  
Кенгликлардан оламан таҳсил.  
Чумчуқларнинг чуғурин тинглаб,  
Ҳаволардан тўйиб муттасил.

Завқи энди бўлакча бўлар  
Келаётган ҳу саҳарларнинг.  
Рухсорига тўйиб йиғлайман  
Унаётган бойчечакларнинг.

Мен кетаман, бу қадим ҳаёт,  
Ўз измида этади давом.  
Кимларгадир бахт ато этиб,  
Кимларнидир этади бадном.

Мен кетаман бу ерда яна,  
Тонг отгандан то кечга қадар:  
Кимни мақтаб, кимнингдир эса,  
Ғийбатидан чарчамас шаҳар.

«Ҳайё-ҳут» деб кетурман тонгда,  
Қадамимга муштоқ йўлақлар.  
Мени таъқиб этмангиз энди,  
Ғариб истак, осий тилақлар.

Давраларда маст-аласт, сархуш,  
Майлар қуйиб, шакаргуфторлик  
Қилаётган бу қадим шаҳар,  
Ўйларимга қилмоқда торлик.



★ ★ ★

Сен билан кетсин  
Замин эргашиб.  
Бор лаш-лушингни  
Ортингдан ташиб.

Хонумонимни  
Этганча барбод—  
Муҳаббат кетсин  
Сенинг билан шод.

Ёмғирлар ёғар—  
Илоҳий ўлан.  
Қушлар ҳам кетсин  
Осмони билан.

Сен билан кетсин  
Тоза ҳаволар.  
Қўшиқ, оҳангу  
Шўхчан наволар.

Кўзимга суртгум  
Чўғдай изингни.  
Фақат қолдиргин  
Менга ўзимни...



Ташқарида хазонлар ва куз,  
Ичкарида ботиним сағир.  
Суянганим сен эмас, афсус,  
Таянганим фақат тавбадир.

Мен ўзимдан қизганиб, ҳатто,  
Мудом этдим сени мудрофаа—  
Сочларингдай узун ва қаро,  
Бўлса ҳамки гарчи масофа.

Шуълаларни қумдек совуриб,  
Шабчироқни ўчирди довул.  
Ўз ёғимда ўзни қовуриб,  
Сўнг ўзимни этдим тановул.

Бу туйғулар тўнаётган муз,  
Ҳасратини сочарман кимга.  
Бу кеч киргим келмайди ёлғиз,  
Очиқ гўрдай совуқ қалбимга.

Хаёлларим ҳуркак қуш каби,  
Сўзларим ҳам жуда пайдар-пай.  
Эй, гамларнинг тотли матлаби,  
Сени кўргим келса, мен нетай?..

## ПУБЛИЦИСТИК ШЕЪР

Кимки қилса мақолга амал,  
Икки бўлмас ҳеч қачон бири.  
Айрилганни айиқ емади,  
Бўлинганни емади бўри.

Айтаверинг санамай саккиз,  
Етти ўлчаб кесилган куни.  
Бир ёқадан чиқмайди бошлар,  
Чунки, йўғон ҳамманинг бўйни.

.   \*   .

Биз иккимиз сайр этдик жим,  
Бу солланиб ётган боғларда.  
Орзуингга менинг умидим,  
Бўсаталаб бўлган чоғларда.

Таҳлил этар эдик бешафқат,  
Бу дунёнинг ғалат ишларин.  
Энди қалбим ачишар фақат,  
Туйиб кўксинг ҳаприқишларин..

Тунги боғда этарди парвоз,  
Қушлар каби эркин аъмоллар.  
Ювиб кетди кейин беовоз,  
Изимизни далли шамоллар.

Бугун фақат сенинг ёдинг бор,  
Менинг парканд хаёлларимда.  
Бугун қайта бўлади иқрор,  
Осий севги заволларимга.

Юракларга солади ҳадик,  
Кузак туни—маккор, ёсуман.  
Биз боғларни қайта кўрмадик,  
Олиб кетди боғларни туман.

## КУЗАК ТУНИДА

Қайдан келдинг кузак тунида,  
Сўнгги япроқ каби қалтираб.  
Юрагимга хавотир чўкди,  
Борлигимни қайғуга ўраб.

Нега келдинг кузак тунида,  
Дунёимни босганда зулмат.  
Шу кунгача қаерда эдим,  
Сен қаерда эдинг, муҳаббат.

Лабларингни авайлаб босдинг  
Манглайимнинг чизиқларига.  
Мен бир туман каби тўзғидим  
Нафасингнинг иссиқларида.

Бу тун ҳасрат тўла тунларнинг  
Аросида энг сарасими?  
Ё кўр тақдир ё шум фалакнинг  
Тағин бирор масхарасими?

Нечун, нечун ташрифидан сўнг  
Титрар, қақшар, ачишар бағир?  
Нега сенинг вазмин нигоҳинг  
Рад этилган севгидай оғир?

Тасалли ҳам келмайди тилга,  
Дилга эса юпанч, қарокўз.  
Бисотимда сўзлар кўп эди,  
Айтолмадим, аммо, бирор сўз.

Хазонларга тўлган умримга,  
Нечун келдинг бемаҳал, гулим?  
Мақсудинг не сенинг, эй, ҳаёт,  
Матлабинг не сенинг, эй, ўлим?..

## СЕНИНГ ЁДИНГ...

Сенинг ёдинг ўпириб кетар  
Тасаввурнинг қиргоқларини,  
Ва жонимга санчар тиг каби  
Маҳзунликнинг қароқларини.

Эй, сен менга қилмаган вафо,  
Эй, сен менинг моҳим, гуноҳим—  
Ўйларимдан чекинди дунё,  
Хаёлимда фақат сен, оҳим.

Гарчи мендан кетди ихтиёр,  
Имконимдан гарчи кетди эрк.  
Ҳануз сенга борар бахтиёр,  
Йўллар ҳамон менинг учун берк.

Сиртим гарчи сокин дарёдай,  
Ботинимда сонсиз гирдоблар.  
Бир сел бўлиб сенинг бағрингда  
Оқиб-оқиб йиғлагим келар.

Мен ел бўлиб сени соғиндим,  
Мен сил бўлиб сени соғиндим.  
Андуҳларга ҳамдарду ошно,  
Мен эл бўлиб сени соғиндим.

Атрофимда ўлимтик мавсум,  
Саргайди-ку умрим саҳфаси.  
Манглайимда чалкаш чизиқлар—  
Менга сендан тақдир тухфаси.

Ўйларимга сингар шўр ёмғир,  
Ларза солар момоқалдироқ.  
Безовта бир арвоҳ сингари  
Деразага урилар чақмоқ.

Қаердасан, қайдасан, эй, гул,  
Бир бор кўриб, сўнг «алвидо» дей.  
Мен ўзимдан кечдим-ку буткул,  
Сендан кечмоқ нима бўпти, ҳей!..

\* \* \*

Бу бешафқат, бу қаттол йиллар  
Манглайимга солиб кетди из.  
Сизга нелар бўлди, севгилим,  
Қаерларда қолиб кетдингиз.

Келаётган сонсиз баҳорлар,  
Саратонлар, қишлару кузлар—  
Тузалмас бир жароҳат каби  
Қат-қат бўлиб қалбимда музлар.

Соғинчларим ичиб бешафқат,  
Тўйиб кетди охир фасллар.  
Қайғу тўкар юлдузлар беҳад,  
Юрагимни тирнайди гуллар.

Нима бўлди Сизга, севгилим,  
Хаёлимни эзиб кетибсиз.  
Пешонамга қисматингизни  
Чалкаштириб ёзиб кетибсиз.

Бу бешафқат, бу қаттол йиллар...

\*   \*   \*

Эй, бандан бечоралар,  
Тан мулкида овворалар.

Бозорингиз бўлмай касод,  
Айланг яна фисқу фасод.

Танлаб яна сўзу гудоз,  
Лаб очингиз гийбатга боз.

Айб сўзлардин чиқоринг дуд,  
Дилингизни этиб хушнуд.

Дардингизга йўқдир даво,  
Сизга ҳамма нарсa раво.

Эй, хом сут эмган бандалар,  
Эй, кўкси йиртиқ жандалар.

Бу касб сизга хайру эҳсон,  
Ҳеч касга берманглар омон.

Токи танда жон бор экан,  
Токи фалак ғаддор экан,

Сиз беайбсиз, беайб, илло,  
Сизни яратганда гуноҳ.

Эй, бандан бечоралар,  
Тан мулкида овворалар.



Мен бу қаро туннинг жоласи—  
Фурсат буткул этган фаромуш.  
Сўлаётган гуллар қўйида ,  
Хаёл суриб ўтирган хомуш.

Мен бу қаро туннинг ноласи,  
Матлабига едирилган тош.  
Орзулари қайғу шимириб,  
Қонмаётган телба ва бебош.

Мен бу қаро туннинг воласи,  
Бўғзигача тиқилган фарёд.  
Таваллолар этгани билан,  
Томоғимдан чиқмаган бир дод.

Мен бу туннинг ўғай боласи,  
Топганлари қирқямоқ, жулдур.  
Фаришталик жонига тегиб,  
Ўзлигидан кечиб кетган ҳур.

Мен бу туннинг...

Хаёлимни музлатган  
Ўкинчларинг, қайғунг бор.  
Тунларимга қадалган  
Пайконларинг, тийғинг бор.

Бахт ҳам йўқдир ҳеч қачон  
Бахтсиз дил диёрида.  
Ҳасрату оҳу фиғон,  
Барчаси меъёрида.

Сафо йўқдир, эй, гавҳар,  
Бўлса, фақат жафо бор.  
Қачон қатли куш бўлар,  
Кокилларинг бўлса мор.

Шабнам бўл, тонгимга ин,  
Саҳарларни сиёҳ қил,  
Юз қатла азоб бергин,  
Бир бор ором топсин дил.

Кетар бўлсанг, узоқ кет,  
Кўнгилдаги, ҳей, тилсим.  
Менга ғамлар ато эт,  
Мен ғамингга тўймадим.

★   ★   ★

Тақдир бизни учраштирмади,  
Биз ҳасратлар ичмадик бирга.  
Ғам чекмоққа мажбур этмади,  
Минг раҳматлар бундай тақдирга.

Бу қисматга тасанно бўлсин,  
Бу ҳаётга сўнгсиз ҳамд-сано.  
Бир-бировга бизни ҳеч қачон  
Нўрмагани учун ҳам раво.

Сен мен учун қонлар ютмадинг,  
Кутганим йўқ сени ҳам сира.  
Ҳодисалар жудо этмади  
Кейин бизни этиб масхара.

Боғларимда букун хазонрез,  
Мезон тортар дилга тасаввур.  
Қаерларда юрибсан бу кез,  
Гўзал исми гулга айлангур!

## ИШҚИМИЗНИ ОЛИБ КЕТАЙЛИК...

Қара, офтоб—пишмаган кулча,  
Шунақа ҳам бўларми гунча,  
Фурсат ўтсин, фурсат ўтгунча,  
Бекинайлик қаро горларда,  
Кейин ялангоёқ қорларда,  
Келаётган ҳу баҳорларга,  
Ишқимизни олиб кетайлик.

Тасаввур қил: жанжаллашмадик,  
Кўксимизни чўқимас ҳадик,  
Ақлимиздан кечиб талпиндик,  
Сен—қуш, мен—қуш, икковимиз—туш  
Ба юзма-юз ўлтириб хомуш,  
Пичирлаймиз, чиқмайди товуш,  
Ишқимизни олиб кетайлик.

Безор бўлдиқ васвасалардан,  
Озор чекдик талвасалардан,  
Қақшадик-ку хулосалардан,  
Қара, бирор бағри пора йўқ,  
Куздан ўзга бир бечора йўқ,  
Биздан ўзга бир бечора йўқ,  
Ишқимизни олиб кетайлик.

Бу йиғлоқи, ўлимтиқ мавсум,  
Шивирлайди боғларда афсун,  
Зикр тушиб узади узум,  
Дилингда туг тилакларингни,  
Қон қилса ҳам юракларингни,  
Кийгин янги кўйлакларингни,  
Ишқимизни олиб кетайлик.

Товушлари товланган ёғли,  
Ху-хулайди тунда бойўғли,  
Ой кетмоқда юраги доғли,  
Олма каби оқиб сойларда,  
Терлаб, пишиб, ботиб лойларга,  
Қадам етмас олис жойларга,  
Ишқимизни олиб кетайлик.

Кетмоқлик бор, вале сўнмаймиз,  
Совуқларда қўрқма, тўнмаймиз,  
Чидаймизу лекин кўнмаймиз.  
Йўқса, бизни хароб этар ишқ,  
Ишқимизни сароб этар ишқ,  
Бизни хоки туроб этар ишқ,  
Ишқимизни олиб кетайлик!

Кетайлик...



## АНЪАНАВИЙ ШЕЪР

Кўнгилни снѣх этди,  
Бу ёруғлик, нетамиз?  
Гулим, кетдик, бу ерда,  
Ёришмайди ичимиз.

Ў, бу юрак гупиллаб,  
Ларза солди кўп ёмон.  
Таъбирини айт қани,  
Эй, кўзлари беомон.

Сендан-да садо йўқдир,  
Менингдек йўқдир гадо.  
Ёғдулари дунёнинг,  
Руҳимни этди адо.

Юр, хилват масканларда,  
Адашайлик сарсари.  
Мен сенга ғулом бўлай,  
Сен менга бўлгин пари!

\*     \*     \*

Атрофинг қуршаса гар аҳли тамуқ,  
 Ёинки кўр бўлсанг кўзлари юмуқ,  
 Севмоқ-чун бўлмаса ҳеч қандай ҳуқуқ,  
 Сен мени барибир ёд эт, фариштам,  
 Сен, мени барибир шод эт, сариштам.  
 Менинг бу заминга боғланган риштам,  
 Узилиб кетмоқда севгилим, қара,  
 Кузнинг рутубати кўнгилда яра.  
 Сен ўзинг яктосан, аълосан, сара,  
 Ўтмишсиз, кечмишсиз, манглайи қаро,  
 Ёқавайрон бўлган одамлар аро.  
 Мени борлигингдан этмасанг огоҳ,  
 Андуҳлар қалбимни емираверар,  
 Замонлар руҳимни кемираверар,  
 Осмонлар қонимни симираверар.  
 Келмасанг, келади қазоим менинг,  
 Ичиккан, кечиккан жазоим менинг,  
 Шунда ҳам чиқмагай сазоим менинг.  
 Тунлари кўксимда тўпланган зардоб,  
 Тошса гар, ясаб бир аёвсиз гирдоб,  
 Мени ҳам, сени ҳам этгай у хароб.  
 Қачон нафасингни туяман сенинг,  
 Қачон кўз ёшингда куяман сенинг,  
 Қачон дийдорингга тўяман сенинг.  
 Наҳот умр кечар бир оҳу зор-ла,  
 Қани ҳей, ягонам, қуёшим порла,  
 Овоз бер, қайдасан, ё мени чорла.  
 Сочингдан мушклару анбарлар тарат,  
 Сўлгин юзларимни қуёшга қарат,  
 Ё мени яксон эт, ё мени ярат.  
 Бу кўнгил мулкида юрак-гамбода,

Эҳтимол, Шавкат у ё ҳасратзода,  
Ичгани заққуму чеккани нола.  
Ожизман, яшаш-чун йўқ менда бир саъда,  
Мен бир тош асридин келган одамдай,  
Ҳайга бормоғимни билолмайман-ай.  
Дунё бир тарафда, сен ҳам бир томон,  
Эй, қутлуг тилагим, эй, нурли ниймон,  
Унутма. Ҳамиша омон бўл, омон!  
Сенинг дийдорингки шунчалар сўлим,  
Мени ҳасратларга бошлагай йўлим,  
Мени оловларга ташлагай дилим.  
Токи мен ўзимдан кетгунча бадар,  
Тски мен ўзимга етгунга қадар,  
Токи абадият, то рўзи маҳшар...  
Атрофинг қуршаса гар аҳли тамуқ,  
Ёинки кўр бўлсанг кўзлари юмуқ,  
Севмоқ-чун бўлмаса ҳеч қандай ҳуқуқ,  
Сен мени барибир ёд эт, фариштам.



## ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИ

Жунжикади нимёруг хона,  
Теваракда сурон, ҳайқириқ.  
Пичирлашар курсилар ана,  
Дил ҳеч кимга бўлмади шерик.

Янги йилни кутар эскилар,  
Бу йил тагин қолади сабил.  
Ўтирибман ҳануз мен бесар,  
Ташқарида сайр этар дил.

Пичирлашар ҳамон бетма-бет,  
Теваракда ҳайқириқ, сурон.  
Мўри тутатади сигарет,  
Йиги бошлар ширакайф осмон.

\* \* \*

Ҳазин куйдек эсади насим,  
Гуллар эса таратади бўй.  
Қаловландим, талмовсирадим,  
Келиб қолгач Сизга рўбарўй.

Оралиқда кўринмас тўсиқ,  
Айрилиқнинг даштми, кўрфази...  
Юзимизга урилар иссиқ,  
Ҳансираган кўклам нафаси.

Халқа бўлиб тизилган ёшлар,  
Товушингиз қўярлар кесиб.  
Томоғимга қадалар тошлар,  
Нега бунча йиғлайсиз ўксиб.

Мадор кетиб бормоқда тиздан,  
Пойингизга чўк тушмайман, бас.  
Мен кечирим сўрайман Сиздан,  
Титраётган қўлингизнимас.

## М А К Т У Б

Кўзларингиз яна дилимга ботди,  
Ичикиб изладим изларингизни.  
Паришон ёдингиз қайта уйғотди,  
Мен яна унута olmadим Сизни.

Бу кун яна телба шамоллар елди,  
Сўлаётган барглар саволлардай кўп.  
Гулим, боғимизга хазонрез келди,  
Олмалар тўкилиб ётибди тўп-тўп.

Титраб чайқалади ғарибу маҳзун,  
Мезонлар гул узра тўқиган кашта.  
Яна тун, яна кун, ўша даҳри дун,  
Жонга тегиб кетган таниш, синашта.

Кўзларим ачишар. Ўйларим яксон,  
Йигирма беш ёшлигим новдадай синди.  
Дилга қалқиб-қалқиб қайтди ғалаён,  
Оғриниб-оғриниб Сизни соғиндим.

Хайр, омон бўлинг, соғ бўлинг мудом,  
Нима ҳам дер эдим ортиқ бу ҳақда.  
Бари шу, гапларим тугади, тамом,  
Ундов белгиси ва иккита нуқта!..

## ВАРДОНЗЕ

Мана бу хас балки дарвоза эди,  
Улкан қалъадандир балки бу зарра.  
Муҳташам шаҳардан қолгани энди,  
Оғзи очиқ ғор ва уч-тўрт мақбара.

Кунпаякун бўлган қадимий шаҳар,  
Босқириб-босқириб кўраяпти туш.  
Шафақлардан энди ёғилар заҳар,  
Чирик оғочларда сайрайди бойқуш.

Қаршимдан улғайиб дард унар нуқул,  
Бу юртнинг аждоду насллари йўқ.  
Бу ер мазоратга айланган буткул,  
Бу ернинг, оҳ, энди фасллари йўқ.

Хароботга дўнган Вардонзе бебахт,  
Кузак тунн каби ҳувиллаб ётар.  
Алҳазар, бунда тонг отмайди ҳеч вақт,  
Ўртаниб, ўксиниб лекин кун ботар...

## КЕЧАЛАРИ...

Кечалари хаёллар теран,  
Кечалари андуҳлар улуг.  
Фикрларга боғланар расан,  
Риёзатлар келади қутлуг.

Бошларингни олиб кетасан,  
Манглайингда тақдир дастхати.  
Тонгга омон-эсон етасан,  
Ўлдирмаса туннинг сумбати.

Ёлғизлигинг кўкрак керади,  
Хўрсинасан ўлтириб пича.  
Сени яна судрайверади,  
Кўчаларда ёйилган кеча.

Ботинингда ўрмалар гашлик,  
Қай бурчида милтиқар чироқ.  
Юрак тутаб ётар оташлик,  
Айтган сўзинг дилингдан йироқ.

Саждагоҳдан бошинг тортасан,  
Яна қайта излайсан паноҳ.  
Сен ўзингдан ўзинг ортасан,  
Сен ўзингга етмайсан, аммо.

Тирикликнинг баланд-пастига  
Инаверар зулмат қоришиб.  
Барчасининг қасдма-қасдига,  
Ўжар руҳинг борар ёришиб!

\*   \*   \*

Чашмим қуриётган иккита чашма,  
Соқоллар тикандир, юзларим саҳро.  
Руҳим адо этиб бўлган хунташна—  
Томонга боқаман, юлдузлар қаро.

Жонимда, қонимда қуюқ, тунд тутун,  
Бугунни мен бугун яшай олмайман.  
Эртанги кунларда ёпинмоқ учун,  
Бошпана тилайман хотиралардан.

Кўнгилнинг титилган чорраҳасида,  
Шамоллар, билмадим, ненидир излар.  
Бир андуҳ ой каби балқар расида,  
Руҳимга чўкади қаро юлдузлар.

Шом чўкар, дил чўкар бесас, бесадо,  
Недир юрагимга уради ханжар—  
Билмадим зулматми, билмадим зиё,  
Билмадим севгими, билмадим ажал.

★ ★ ★

Сенингсиз бу эртактар ёлгон,  
Ёлгон сенсиз обори афсона.  
Хаёлинг-ла ўтиб ҳар бир он,  
Мен ақлдан озар бўлсам на.

Бошгинангга қўнгай бахт қуши,  
Бўғотингга оппоқ кабутар.  
Ажабланмас бирор бир киши,  
Мен ақлдан озар бўлсам гар.

Дилда исминг, ишқинг, исёнинг,  
Ўт солади жонимга бари.  
Умидим, кел, фолбин дунёнинг,  
Мутлоқ чиқмай башоратлари.

★ ★ ★

Хира тортиб борар бешафқат,  
Рухимдаги ягона тасвир.  
Мен шўрликда ахир нима айб,  
Хато қилган бўлса мусаввир.

Энди менга ётдир бу қайғу,  
Даринг тутғил муҳаббатингни.  
Бир пайтлар мен чекканман ёҳу,  
Олгин дея, омонатингни.

Мен одамман, бўлолмасман ҳур,  
Шул заминга ботган изларим.  
Зулмат ичра ахтаргандек нур,  
Саодатбахш ўлим истадим.

Дилим куйган, дилим бечора —  
Мулки торож этилган ватан.  
Илтижолар этиб минг бора,  
Минг бор тавба қилиб бўлганман.

Кўксим букун бузилган меҳроб,  
Соғид йўқдир унда ўн йилки.  
Егду сочиб, сўнгандек офтоб,  
Қолган на из, на бирор белги.

Дилим ўртар сўйлаган сайин,  
Дардим зиёд, улкан, беҳашам.  
Забон забун, сенга не дейин,  
Мен, бир умр алданган одам.

Ортга боқма нигоҳлари ўқ,  
Сен илтифот кутарсан кимдан?  
Мен севмоқни истамайман, йўқ,  
Кўзларингни сугур дилимдан...

## ДАҲРИИ

Ўзимиздан ўзга ҳар жиҳат  
Ёдимиздан ўчиб кетгуси.  
Омон бўлса агар муҳаббат,  
Бошимизга бир кун етгуси.

Нигоҳларда ёнгуси ҳадик,  
Қўлимизда кишан, гул бўлар.  
Лабларимиз қовжираб гулдек,  
Дилларимиз ёниб кул бўлар.

Оҳ, бу умр осий бандаси  
Биз ҳеч қачон туймаган бахтнинг.  
Бизни чорлар йўқлик нафаси,  
Эшигини очиб дўзахнинг...

## МАНТИҚСИЗ ТУШ

Бу ерларга келганман албат,  
Эҳ, бу ерлар синашта, таниш.  
Тақдир кечган ҳамиша ғалат,  
Қисмат бўлган ҳамиша ёниш.

Бу дунёнинг тошу харсанги  
Пайдо бўлган кўзим олдида.  
Неча марта кўнглим ўсгандир,  
Вақти билан эриган дийда.

Бевақт сўлган ниҳолдек қуриб,  
Севган эдим ҳаммадан ортиқ.  
Юрагимни гулдек суғуриб,  
Бир қизчага этганман тортиқ.

Аммо, парво қилган эмас у,  
Юрагимни отган тупроққа.  
Узун тунлар чекканман ёҳу,  
Дош беролмай ўтли фироққа.

Баҳорлардан жилғадек тиниқ,  
Кузаклардан ўтганман пурғам.  
Урҳоларда бўлганман аниқ,  
Саҳроларда синган қовурғам.

Ижобатга ўтгандек матлаб,  
Тўлдирганман қурбонлар сафин.  
Кейин мени қум билан поклаб,  
Этишганди шу ерда дафн.

Лекин, лекин топганим йўқдир,  
У ёқда ҳам ҳаловат, қўним.  
Ҳамон қалбим бир лахча чўғдир,  
Ҳамон ўтда куяди таним.

Гоҳ марсия, гоҳ айтиб ўлан,  
Шафақларга боққанман абгор.  
Қалб тубига чекинган билан,  
Ўз ўйларим бўлаверди дор.

Билолмасман... жоним сўзондир,  
Худойим, сен билгувчи якто.  
Балки умр нурли тўфондир,  
Балки умр — абадий хато.

Дунё бўлган ҳамиша вайрон,  
Қалбим бўлган ҳамиша синиқ.  
Ҳали қайта кетмоғим аён,  
Ҳали қайта келмоғим аниқ.

Унгдан, сўлдан, еру фалакдан  
Қорлар ёғиб кетди бир ёмон.  
Дард билмаган, дарди бўлакдан  
Бекинганман, асра, художон.

Ана ортдан у қувлаб келар,  
Қувлаб келар, ҳув-ҳувлаб келар.  
Тўфон каби ё довул каби  
Ё шамолдек ув-увлаб келар.

Ишқни сароб этгувчи ўша,  
Дилни хароб этгувчи ўша.  
Хаёлимни эзиб кетгувчи,  
Мени беҳоб этгувчи ўша.

Билганим шу: юзи йўқ унинг,  
Боқай десам, кўзи йўқ унинг.  
Томоғимдан ғиппа бўғар у,  
Сесканаман, ўзи йўқ унинг.

Айт, тинч қўйсин, мен чанқоқ куйман,  
Фақат ишқнинг гамини ейман.  
Бир кун сўроқ бошланганида  
О, худоим, мен нима дейман.

Синиб бўлди менинг ҳаётим,  
Ҳазин, гоҳи шўхчан баётим.  
Тўқнаш келиб ғаддор шамолнинг  
Шиддатида куйди қанотим.

Бул севгини кўшкингга этай,  
Вайрон бўлдим, товуш бер, нетай?  
Сўқмоқлар кўп ҳали оламда,  
Кетай десам, қаерга кетай?

Ўнгдан, сўлдан, еру фалакдан  
Қувиб келар ҳануз беомон.  
Дард билмаган, дарди бўлакдан  
Қочиб келдим,  
Асра, художон...

• • •  
Сенга олиб борар бу йўллар,  
Бу йўллардан келмагайсан ҳеч.  
Кўксимдаги гунчалар сўлар,  
Аста-секин туша бошлар кеч.

Шамол ётогига қайтади,  
Қилт этмасдан, босиқ ҳамда тинч.  
Менга маҳзун қўшиқ айтади,  
Қўшигида аёвсиз соғинч.

Билмадим, сен балки бу палла  
Хаёл суриб хомушсан дилбанд.  
Нигоҳингни оқ, қизил, малла  
Гуллар балки айламишлар банд.  
Юрагингда ҳислар уйғотди  
Балки қаро тортган самовот.  
Балки барглар каби жим қотди  
Ўйларингда кўҳна хотирот.  
Якка-ёлғиз сузганда бадр,  
Балки торлиқ қилганда хона—  
Ўйлагайсан: бу ҳаёт надир,  
Ўйлагайсан: севги асли на.  
Балки ўйларингда изтироб,  
Ҳисларингда балки бир нолиш.  
Кўзларингдан ўчиб балки хоб,  
Кўксинггами ботмишдир болиш.  
Билмам, фақат борлигинг аён,  
Фақат аён менинг йўқлигим.  
Балки шуни эслатар ҳар он,  
Балки шуни эслатмас ҳеч ким.

Сенга олиб борар бу йўллар,  
Бу йўлларда озурдадир жон.  
Аста-секин шамол қўзгалар,  
Аста-секин ота бошлар тонг...

## АЙТИЛМАГАН СЎНГГИ СЎЗ

Ўйлагандим: бу шунчаки туш,  
Яшаб қўйдим билмасдан нохос.  
Бу даҳрга сизинганим йўқ,  
Бу даҳрга сизмадим, холос.

Мен адашиб кездим саргардон,  
Бу кўнгилнинг ўру қирини.  
Дилхун бўлиб тингладим вайрон,  
Ёмғирларнинг талх шивирини.

Бу норасо фалакнинг ғажор,  
Кимсаларин ҳар гал кечирдим.  
Ҳар гал исён кўтарганда ҳур  
Ботинимга қонлар ичирдим.

Мен бир умр, о, мен бир умр,  
Урён дилни ғамга ўрадим.  
Бир меҳр, бир шафқатга интиқ,  
Шафақларга ботиб қарадим!

Рухим қалқиб кирарди титроқ,  
Эшитганда гоҳи ожиз сас.  
Мен дунёни англадим, бироқ,  
Дунё мени англамади, бас.

Ҳаёт! Қара, борлиғим ситам,  
Ситамларинг ҳеч қачон битмас.  
Мен шунча йил чидадим ахир,  
Энди менинг бардошим етмас.

\* \* \*

Баҳор боғчаларга сенини ёйди,  
Осмоннинг кўз ёши, дийдаси ойдин,  
Қушларнинг чуғури ажиб ва бетин,  
Тўнаётган гофил юрагим уйгон.

Музалари эриди асрий қорларнинг,  
Тубларига нурлар етди горларнинг,  
Саслари келмоқда шўх шарорларнинг,  
Тўнаётган гофил юрагим уйгон.

Кўксимни титаман: синган бир сато,  
Теграмга боқаман: йўқотиш, хато,  
Олислардан руҳим бермоқда садо,  
Тўнаётган гофил юрагим уйгон.  
Бу даврон ўткинчи, абадий эмас,  
Хазонрез келгуси беовоз, бесас,  
Бош узра тураркан токи қатли нас,  
Тўнаётган гофил юрагим уйгон.  
Руҳим, сен фигонинг чиқарма ташга,  
Парвона эдинг-ку, бошла оташга,  
Черлоқлар чорлаюр ана яшашга,  
Тўнаётган гофил юрагим уйгон.

Гофиллар эмас йўқ, фақат бедор ҳақ,  
Ташрифинг кутмоқда ўзлик деган халқ,  
~~Фарёд~~ эт, ҳайқиргин, сафларни туз, қалқ,  
Тўнаётган гофил юрагим уйгон.

Баҳорий ҳислардан сун-ей бир шароб,  
Қолгани беҳуда, барчаси сароб,  
Талваса ичрадир тўрт унсур шу топ,  
Тўнаётган гофил юрагим уйгон.

Наноҳинг бўлдимми шу қафас, мазор,  
Рўл кутар, қани бўл, тур-ей бемадор,  
Хатарнок йўлларда Худо бўлсин ёр,  
Тўнаётган гофил юрагим уйгон.

\* \* \*

Юртим бора олмадим ойлаб,  
Дариг тутсанг ҳамки меҳрингни—  
Кўзларимга тўтиё айлаб,  
Ўпгим келди шўрхокларингни.

Қайтгим келди бебош, сарсари,  
Салқин саболарга чўмилиб,  
Ётгим келди бир тош сингари  
Ялпизларинг аро кўмилиб.

Қайтгим келди сенинг бағринга  
Синганида бу бардош, сабот.  
Қуёш ботган шафақларингга  
Ботгим келди менинг ҳам бот-бот.

Бу бемақсад ҳаёт йўлини  
Бузмоқликка сиғмади ҳаддим.  
Юракнинг қон қусган гулини  
Авайлабон, сени қўмсадим.

Омон бўлса шу бошим шўрлик,  
Қайтгум, қайтсам мангуга фақат.  
Томоғимга қадалган хўрлик  
Дунёимни айлади ғорат.

Болалигим кечган сўқмоқлар,  
Сенинг ёдинг мудом мукаррам.  
Шамолларинг, биламан, йўқлар,  
Тополмасдан, топурлар барҳам.

Яна дилга ташлайман назар,  
Ўз ўйларим билан ўралиб.  
Хаёлимда бир соғинч кезар,  
Ирмоқларинг каби буралиб.

Айрилиқнинг туманларида  
Нафасларим тиниб тўзғидим.  
Таниб қолсам ўзни гоҳида,  
Сен ҳақингда ҳаёл сурдим жим.

Кечинмалар отиб кетган ўқ  
«Зардоб тўплаб боғлади мадда»,  
Тошга буткул айланганим йўқ,  
Гарчи букун юрагим зада.

Эҳтиросдан айродир ўлан,  
Ҳайратлардан бўлган мосуво.  
Бўшаб қолган шу қалбим билан  
Сен ҳақингда қилурман дуо...

I. Илҳом Ҳасанов жумласи.

•   \*   \*

Кўройдин кечаларда,  
Суманбўйлар таралар,  
Ушбу дунё йўқ бўлиб,  
Ушбу дунё яралар.

Кўройдин кечаларда,  
Кўйлагинг сепар атр,  
Лабларимга беҳуда,  
Чирмашар икки сатр.

Кўройдин кечаларда,  
Нафасларинг нимилик,  
Орзу кўшкн серхатар,  
Юрак тагин серқилиқ.

Кўройдин кечаларда,  
Сочларинг ялли-ялли,  
Менга энди ҳаёт йўқ,  
Мавжудлигинг туфайли.

Кўройдин кечаларда...

• • •

Ранги рўйи сомонмисан,  
Дардлар ила ҳамонмисан,  
Сендан хабар ололмадим,  
Сарвиқадам, омонмисан,  
Кўзинг майдур, ичолмадим,  
Ишқ—асрор, мен ечолмадим,  
Кечиб кетдим ўзимдан ҳам,  
Лекин сендан кечолмадим,  
Йилларимда баҳорлар йўқ,  
Тоқатимда қарорлар йўқ,  
Фақат сенинг ғаминг бордир,  
Дафтаримда шарорлар йўқ,  
Бу оламда ҳайрон манам,  
Фурсат қувган жайрон манам,  
Юракларим куюр сим-сим,  
Гоҳ бесўз, гоҳ сайрон манам,  
Йўлим йўқлик томон бўлмас,  
Ҳаёт гарчи осон бўлмас,  
Тоғлар яксон бўлур бир кун,  
Лекин ишқинг яксон бўлмас,  
Тушларимда менинг мозий,  
Гоҳи муслим, гоҳи осий,  
Бедардларким шаҳид эрур,  
Қимда ишқ бор, ўшал гозий,  
Замон қолди, макон қолди,  
Изларимдан нишон қолди,  
Мулки Ажам вайронадур,  
Унда шу ишқ омон қолди,  
Саралаб мен хуш чоғимни,  
Йигиб бор-йўқ ушоғимни,  
Қайтгум бир куч очиб сенга,  
Осмон каби қучоғимни.

Ётоқда яшармиз, сўнгги қаватда,  
 Биз учта талаба, учта дарбадар.  
 Ишқ, севги онла лаззатларини,  
 Ҳозирча туймаган учта қаландар.  
 Қўшини уйда эса яшар Сайфулла,  
 Унинг, танамахрамини ҳам ўғилчаси.  
 Кун бўйи миқ этмай ухлаган бола,  
 Бўғриқиб-бўғриқиб йиғлар кечаси,  
 Тун бўйи йиғлайди, тинмас бу бола,  
 Йиғлар гофилларни уйготмоқ учун,  
 Бола эмас бало экан бу бола,  
 Томоқлари қақраб йиғлайди дилхун,  
 Узинг инсоф бергин шу болакайга,  
 Кейин семиз хотин, сўнг муштдай эрга,  
 Худсга илтижо қилиб чиқаман,  
 Ағалаб тун бўйи ботганча терга.  
 Ерда даҳшат йўқдай йиғидан холи,  
 Қўшини хонада биз ухлолмаймиз.  
 Сайфулланинг барно жуфти ҳалоли,  
 Ўрнингдан тургин-эй, болани эмиз.  
 Болдирларин ташлаб эри устига,  
 Таҳқирлаган каби эркак зотини,  
 Хуррак отиб ётар йиғи қасдига,  
 Муштдай Сайфулланинг девдай хотини.  
 Сайфулла, уйқудан уйғонмай кетгин,  
 Шаҳид кетган каби мард йиғит жангда.  
 Сайфулла, уйланмай ҳар бало бўлгин,  
 Гўдагинг йиғлайди минг хил оҳангда,  
 Йўқ етар, қофиясин келиштириб,  
 Куйиб кул бўлсада, тиллога тенг вақт—  
 Лугатда йўқ сўзларни қалаштириб,  
 Чорасиз ҳолатда сўкинаман бад...

Эрталаб дев хотин лабини бўяр,  
Рўзгорлари бут, обод ҳам саришта,  
Бир-бирига хушнуд жилмайиб қўяр,  
Эр авлиё, хотин гўё фаришта.  
Тонг отиб болакай уйқуни урар,  
Бор бўлсанг, кечиргин, бандангни худо.  
Фаришта сочини тарай бошлайди,  
Хонани супириб чиқар авлиё.  
Қундузи дарсларда маъруза тинглаб,  
Домлага термулиб ўлтираман жим,  
Кечқурун ётоққа қайтишни ўйлаб,  
Жунжикиб, увушиб кетар баданим,  
Уйқуниг тарихий ўрни ҳақида,  
Ҳали тасаввурга эга эмассан.  
Болакай йиғлагин, фарёд сол тагин,  
Мен сениг йиғлашинг билан тирикман.  
Ўнлари болакай ҳаётдан тўйиб,  
«Сатримга қўшаман жолаларингни,  
Тақдир! Катталарни ухлатиб қўйиб,  
Токай йиғлатасан болаларингни?!



Бу заминда қадди эгиллиб,  
Дунё билан бўлмасдан иши —  
Ўз ўзидан ўзи енгиллиб,  
Юрган бир кас эди бу киши.

Жим эди у, чиқармасди сас,  
Фалак каби сирли ва мубҳам,  
Йиғлаганин ҳеч ким эсламас,  
Кўрмаганлар кулгисини ҳам.

Англари эди азалий ғамни,  
Бошқалардек қилмасди таҳлил,  
Назарлардан қолган бу касни,  
Излаб келди бир кун Азроил.

Олис боқди, маъно кўрмади,  
Аста юмар экан кўзини —  
Бу дунёга раво кўрмади,  
Ҳатто, бирор оғиз сўзини.

Кўзлари қонга тўлган,  
Мисли ёввойи пишак.  
Бир вақтлар чопқир бўлган,  
Энди силжимас эшак.  
Гарчи қалби кўр эди,  
Лекин кўзда нур эди.  
Шўху-хандон дунёга,  
Унинг ишқи зўр эди.  
Энди эса қариди,  
Мадор йўқдир оёқда,  
Юрай деса ҳориди,  
Чақин чиқмас туёқдан,  
Шўрлик оғир ўй суриб,  
Бир чеккада турарди.  
Отнинг шиддатин тўйиб,  
Баданлари титрарди:  
«Э, одамлар, одамлар,  
Нима эди гуноҳим.  
Не юмушларинг бўлса,  
Бажариб келдим доим.  
Эшакнинг ўлим куни,  
Кулдинглар ҳам урдинглар,  
Эшак экан деб, мени,  
Мудом миниб юрдинглар.  
Энди эса қаридим,  
Қариликда ҳолим вой,  
Қора капам жуда дим,  
Кўрпам бўлса балчиқ—лой,  
Саволимга жавоб йўқ,  
Қариликка йўқ даво.  
Манглайимда офтоб йўқ,  
Жавоб бергин эй, худо,

# М У Н Д А Р И Ж А

|                              |    |
|------------------------------|----|
| «Айтилган сўз...»            | 4  |
| «Кўм-кўк ранглар...»         | 5  |
| «Эртага ҳам...»              | 6  |
| Ўетдим                       | 7  |
| «Ҳой, талваса...»            | 8  |
| «Ота, яна...»                | 9  |
| «Авайлайман туморларимни...» | 10 |
| «Кузак кечалари...»          | 11 |
| «Йўқлик мени...»             | 12 |
| «Сенмидинг...»               | 13 |
| Тараддуд                     | 14 |
| «Мен ғариб дилимни...»       | 15 |
| Яралиш                       | 16 |
| Сен ҳали...                  | 17 |
| «Ишқни оғу этдим...»         | 18 |
| Ўетиш.                       | 19 |
| «Сен билан...»               | 21 |
| «Ташқарида хазонлар»...      | 22 |
| Публицистик шеър.            | 23 |
| «Биз иккимиз...»             | 24 |
| Кузак тунда.                 | 25 |

|                                  |    |
|----------------------------------|----|
| «Бу бешафқат...»                 | 27 |
| Сенинг ёдинг...                  | 26 |
| «Эҳ, бандан бечоралар...»        | 28 |
| «Мен бу қаро туннинг...»         | 29 |
| «Хаёлимни музлатган...»          | 30 |
| «Тақдир бизни...»                | 31 |
| Ишқимизни олиб кетайлик...       | 32 |
| Анъанавий шеър.                  | 34 |
| «Атрофнинг қуришса...»           | 35 |
| Янги йил кечаси.                 | 37 |
| «Ҳазин куйдек...»                | 38 |
| Мактуб.                          | 39 |
| Барзонзе.                        | 40 |
| Нечалари...                      | 41 |
| «Чашмим...»                      | 42 |
| «Сенингсиз бу эртақлар ёлғон...» | 43 |
| «Ҳира тортиб борар...»           | 43 |
| «Кўройдин нечаларда...»          | 44 |
| Даҳрий.                          | 45 |
| Мантиқсиз туш.                   | 46 |
| Ўнгдан, сўлдан.                  | 48 |
| Бу йўллар.                       | 50 |
| Айтилмаган сўнгги сўз.           | 51 |
| Юрагим, уйғон.                   | 52 |
| Ранги рўйи.                      | 53 |
| Соғинч.                          | 54 |
| Ётоқда                           | 57 |
| Мағрур одам                      | 60 |
| Қари эшакнинг сўнгги тилаги      | 60 |

Хўрлаш шунчалик бўлар,  
Шунчалик бўлар ситам,  
Мен сени одам десам,  
Одам эмассан эгам,  
Қолмади танда сабр,  
Ўлим бор бир—ўлим бор,  
Етар шунчалик жабр,  
Қирсайди белга мадор,  
Қайта ёришса жаҳон,  
Мен ўзимни бунча хор,  
Қилмас эдим ҳеч қачон,  
Ғирот бўлиб учардим,  
Кенгликларни қучардим,  
Қоялардан-қояларга,  
Бургут бўлиб кўчардим,  
Ҳеч ким мендан қулмасди,  
Эшак деб, масхара қиб,  
Газеталарга чиқмасдим,  
Образ бўлиб, бўлиб тш,  
Агар тақдир берсайди,  
Вужудимга куч-қудрат,  
Аввалгидай хар эмас,  
Дулдул бўлардим фақат,  
Ор-номусни ўртага,  
Қўйиб қасам ичаман,  
Ғар гапимда турмасам,  
Эшакликдан кечаман!»

Литературно-художественное издание

**ШАВКАТ ХАСАН**

**ДОЖДЛИВИЙ СЕЗОН**

Стихи

На узбекском языке

Адабий-бадий нашр

**ШАВКАТ ҲАСАН**

**ЁМҒИР МАВСУМИ**

Шеърлар

Муҳаррир О. Дамин

Мусаввир Д. Сафоев

Техн. муҳаррир А. Ҳошимов

Мусахҳиҳ О. Ҳожи

Босмахонада берилди 6. 05. 92. Босишга  
рухсат этилди. 22. 06. 92. Бичими 60X84.  
1/32 Босмахона қоғози № 1. Адабий  
гарнитура. Юқори босма. Шартли босма т.  
1,5 Шартли бўёқ нусхаси. Нашр тобоғи 1,2.  
Жами 15000 нусхада. Буюртма 2813.  
«Зарафшон» нашриёти 703000.  
Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 12.  
Баҳоси 5 сўм.

---

Бухоро вилояти матбуот бошқармасининг  
Шофиркон туман босмахонаси.

بازار